


«O'zneftgazinformatika» АЖ
акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

Умумий йиғилиш раиси
Аношкина А.А.



2016 йил 26 октябр

«O'zneftgazinformatika» акциядорлик жамиятининг Низомига
киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар
МАТНИ

№	Амалдаги тахрир	Янги тахрир
1.	1.5. банднинг учинчи хатбоши: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2015 йилдаги ПҚ -2454 сонли қарорини бажариш мақсадида низом жамғармасининг 18,25% ни ташкил этувчи Жамият акцияларини чет эл инвестори - МЧЖ “Атлант” 16.06.2016й. – 18.06.2016й. кунлари иккиламчи бозорда “Тошкент” РФБ орқали акциядор - жисмоний шахслардан сотиб олди.	1.5. банднинг учинчи хатбоши: Жамият Низом жамғармасининг 18,25 фоизини ташкил этувчи 112 308 дона оддий акциялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2015 йилдаги ПҚ-2454 сонли қароридан келиб чиққан ҳолда, Жамият акциядорлари томонидан 16.06.2016й. – 18.06.2016й. кунлари конунчиликда ўрнатилган тартибда иккиламчи бозорда “Тошкент” РФБ орқали “Атлант” МЧЖ га (Россия) сотилган.
2.	4.3. Жамиятнинг низом жамғармасини кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият низомига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки, агар Жамият низомига ёхуд акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Жамиятнинг кузатув кенгашига шундай қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади	4.3. Жамиятнинг низом жамғармасини кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият низомига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият акциядорларининг умумий йиғилишининг қарорига асосан мазкур масала бўйича қарор қабул қилиш ваколати жамиятининг кузатув кенгашига ҳам берилиши мумкин.
3.	10.2. Жамиятнинг кузатув кенгаши 5 аъзодан ташкил топади.	10.2. Жамиятнинг кузатув кенгаши 6 аъзодан ташкил топади.